

Москвада Халқаро Иккинчи Умумроссия илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди



11:26 / 13.10.2018 2606

Жорий йилнинг 12 октябрь куни Москва шаҳрида Муслмонларга руҳий ёрдам бериш уюшмаси томонидан Ислом маданияти, илми ва маорифини қўллаб-қувватлаш Фонди кўмагида Халқаро **“Ислом: психологик барқарорлик шахсий ва жамоавий фаровонликнинг асоси”** Иккинчи Умумроссия илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Конференция “Ислом: онгли (аниқ) танлов ёки урф-одатларга амал қилишми?” мавзусини ўз ичига қамраб олди.

Мазкур конференцияда Индонезия, АҚШ, Ўзбекистон ҳамда Россия Федерациясининг турли минтақалари: Грозний, Красноярск, Қозон, Москва, Нальчик, Назрань, Оренбург, Пятигорск, Рязань, Саранск, Саратова, Санкт-Петербург, Симферополь, Уфадан мутахассислар (руҳшунослар, теолог

(дин бўйича мутахассис)лар, имомлар, ўқитувчилар, шифокорлар, журналистлар, этнографлар, давлат арбоблари ҳамда ФСИН ходимлари) қатнашишди.

Жумладан, Ўзбекистондан вакил сифатида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг қизлари Одинахон Муҳаммад Юсуф иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, Биринчи Умумроссия **“Ислom: психологик барқарорлик, шахсий ва жамоавий фаровонликнинг асоси”** илмий-амалий конференцияси 2017 йил 29 сентябрда Москва шаҳрида ўтказилган эди. Унда Россия Федерациясининг 25 та минтақасидан 90 га яқин мутахассислар қатнашган эдилар.

Унда кўплаб масалалар муҳокама қилинган, амалиётчи мутахассислар томонидан маҳорат дарслари уюштирилиб, мусулмонларга руҳий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ мисоллар, ишлаш усуллари намойиш этилганди. Конференциянинг барча иштирокчилари бир овоздан мусулмонларга тизимли руҳий ёрдам кўрсатувчи Умумроссия ташкилотини тузишга келишган эдилар.

Islom.uz портали таҳририяти